

Узбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти
МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзили: 180100 Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Геологлар кучаси, 1-уй 15-хонадон, тел: (+99891) 222 82 61, 462 41 58
Аудиторлик фаолияти бўйича Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 29.07.2009 йилдаги № 00387 рақамли қарорига асосан.

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Буюртмачи: "Қамаши пахта тозалаш" АЖ. №р 20210000800383395001 АТБ "Агробанк"нинг

Қамаши филиали МФО 00160 СТИР: 200680320 ОКЭД 13101

Манзили: Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Алтомши кучаси 1-уй тел. № 75-53-24-955

Мен, МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Геологлар кучаси 1-уй 15-хонадонда жойлашган, СТИР 203869896, ОКЭД коди 69202, ҳисоб рақами 20208000904162711001 «Узсаноатқурилишбанк» Қашқадарё минтақавий филиали Қарши шаҳри МФО 00854) аудитори Зулфиков Худойберди Назарович (аудитор малака сертификатига № 05543 берилган санаси 22.12.2017й.) МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти билан "Қамаши пахта тозалаш" АЖ ўртасидаги 07.01.2019 йилда тузилган № 6-сонли шартномага асосан хўжалик юритувчи субъект "Қамаши пахта тозалаш" АЖ нинг 2018 йил 31-декабрь ҳолатидаги «Бухгалтерия баланси» 1-шакл, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-шакл, «Пул оқимлари» тўғрисидаги ҳисобот 4-шакл, «Хусусий капитал» (5-шакл) тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувдан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "Қамаши пахта тозалаш" АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботиини аудиторлик текширувдан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект "Қамаши пахта тозалаш" АЖнинг 2018 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори

Х. Н. Зулфиков

16-март, 2019 йил

